

Фарзанд тарбияси (5-дарс)



10:02 / 29.11.2017 3518

Ота: «Бисмиллаҳ, барча мақтов ва шукрлар АЛЛОҲгадир, АЛЛОҲнинг расулига саловоту саломлар бўлсин! Маҳмуд бир нарса ҳақида сўрамоқчи бўляпсан, шекилли, шундайми?» деди.

Маҳмуд: «Ҳа, отажон, қўлингизда доим бир нарса кўраман, таҳорат ё намозга киришсангиз ёки бирор манзилга кирсангиз, уни оғзингизга солиб, тишларингизни тозалайсиз. Бу нарса нима, отажон?» деди.

Ота: «Бу нарсанинг исми мисвок, эй Маҳмуд. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Мисвок оғизни пок тутувчи ва РОББни рози қилувчидир”**, деганлар.

(Насайи ривояти.)

Мисвок Ҳижоз деб номланувчи (Арабистон) ерларда ўсувчи “Арок” деган дарахтнинг шохчасидир. Ундан хушбўй, ёқимли ҳид чиқади», деди.

Фотима: «Ота, уни тиш чўткасига ўхшатапман», деди.

Ота: «Мисвок ундан кўп яхшидир, эй Фотима. У оғизни хушбўй қилади ва табиблар айтганидек, тишлар ва милкни мустаҳкамлайди. Ҳаммасидан асосийси, у РОББни рози қилувчи ва Набий соллalloҳу алайҳи

васалламнинг ҳидоятларидандир», деди.

Маҳмуд: «Роббимни рози қилиш учун, тишларимни тозалаб, оғзимни хушбўй этиш учун мисвок тутишни хоҳлайман, отажон!» деди.

Фотима: «Мен ҳам мисвок тутишни хоҳлайман, отажон!» деди.

Ота деди: «Икковингизга чиройли мисвок бераман. Фақат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган, тонгги ва кечки зикрлардан бўлган мана бу вирдни ёдлаб олганингиздан сўнг... Тонг отганда бундай деймиз:

كَيَّرْشَ الْوَحْدُ وَاللَّيْلُ وَاللَّيْلُ الْوَحْدُ وَاللَّيْلُ الْوَحْدُ وَاللَّيْلُ الْوَحْدُ وَاللَّيْلُ الْوَحْدُ

“Асбаҳна ва асбаҳал мулку лиллаҳ, вал ҳамду лиллаҳ, лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ”.

Маъноси: «Тонг оттирдик, мулк ҳам АЛЛОҲники бўлган ҳолда тонг оттирди, барча мақтов ва шукрлар АЛЛОҲгадир, АЛЛОҲдан ўзга илоҳ йўқдир, У Зот ягонадир, шериги йўқдир».

Кеч кирганда эса:

كَيَّرْشَ الْوَحْدُ وَاللَّيْلُ وَاللَّيْلُ الْوَحْدُ وَاللَّيْلُ الْوَحْدُ وَاللَّيْلُ الْوَحْدُ وَاللَّيْلُ الْوَحْدُ

“Амсайна ва амсал мулку лиллаҳ вал ҳамду лиллаҳ лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ”.

Маъноси: «Кеч киргиздик ва мулк ҳам АЛЛОҲники бўлган ҳолда кеч киргизди, барча мақтов ва шукрлар АЛЛОҲгадир, АЛЛОҲдан ўзга илоҳ йўқдир, У Зот ягонадир, шериги йўқдир».

(Имом Муслим ривояти.)

Фотима: «Отажон, ҳар дарсда бизга АЛЛОҲнинг гўзал сифатларидан ўргатишга ваъда қилгандингиз, шундайми?» деди.

Ота: «Ҳа! Лекин мени шошилтирма. Шу исмлардан ўргатганларимни ёдлаб бўлдингми?» деди.

Фотима деди: «Ҳа, АЛЛОҲга ҳамд бўлсин, ёдлаб бўлдим. АЛЛОҲнинг гўзал исмларидан ўргатганингиз мана булар: **АЛЛОҲ, РОҲМАН, РОҲИЙМ,**

МАЛИК, ҚУДДУС, САЛААМ, МУЪМИН, МУҲАЙМИН, АЗИЙЗ, РОББ, ИЛАҲ, АЪЛА, АКРОМ».

Ота: «Яхши, Фотима, АЛЛОҲнинг гўзал исмларидан яна **ЖАББАР** (ўта улуғ, ўзгалар Унинг олдида ўзини хор тутди), **МУТАКАББИР** (кибриёси-ю улуғлиги баланд Зот, ўзгалар Унинг олдида қул бўлиб туради), **ХОЛИҚ** (яратувчи, комил суратда яратувчи), **БОРИЪ** (йўқдан бор қилувчи, пайдо қилувчи), **МУСОВВИР** (ҳар бир нарсага ўзига хос сурат берувчи) бордир», деди.

Ота яна деди: «Сизларга ваъда қилганимдек, бугун Ислом асосларидан учинчи асос ҳақида суҳбатлашамиз (бу закотдир). Закот - бу мол-мулки кўп одам АЛЛОҲ унга бериб, ризқлантириб қўйган давлатидан ўзи ва фарзандлари учун озиқ-овқат ва кийим сотиб олишга пули етмаётган камбағалларга беришидир. Бу ҳар йили такрорланади».

Фотима: «Мен Исломга муҳаббат қиламан, отажон! Бу буюк диндир. Мискин ва камбағалларга ғамхўрлик қилади», деди.

Ота деди: «Бу муборак дарсимиз охирида **мажлис одоблари** ҳақида ўрганамиз:

- 1) Солиҳ ва яхшилик аҳллари билангина ўтирамиз;
- 2) Мажлисларга кирар чоғимиз **“Ассаламу алайкум”** («Сизларга тинчлик ва омонлик бўлсин»), деб исломий салом берамиз;
- 3) Хотиржамлик ва сокинлик ила ўтирамиз, баланд овозда гаплашмаймиз;
- 4) Сўзлаётган одамнинг гапини бўлмаймиз, эътибор билан унга қулоқ соламиз ва жим турамиз.

Кейин ушбу дуони айтамиз:

بُورُوتَ أَوْ كُفْرَ عَتَسَاتِنَ أَلِإِلِهِ أَلِإِلِهِ نَ أَدَشَأْ، كَدُمَحَبَّ وَ مَهَلَلِ كَنَ أْحَبُسَ
كَيْلِ

Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдик, ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астағфирука ва атуубу илайк (маъноси: «АЛЛОҲим, Сен барча айбу нуқсонлардан покдирсан ва Сенга ҳамд бўлсин, Сендан ўзга илоҳ йўқ, деб

гувоҳлик бераман, гуноҳларимни кечиришингни сўрайман ва Сенга тавба қиламан»).

(Абу Довуд ривояти.)

Абу Абдураҳмон